Иқтисодий–ҳуқуқий газета
# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 39 (272) ● 2010 йил 5 октябрь
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ
2005 йил июлдан чиқа бошлаган

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан **www.norma.uz** сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## «ПАҚИЛДОҚ» УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**2010 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-261-сон Қонун билан пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритилди.** Чунончи, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тегишли равишда $250^1$– ва $185^1$-«Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи» моддалари билан тўлдирилди. Уларга мувофиқ, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда мамлакатга олиб кириш (ундан олиб чиқиш) ёки ўтказиш жарима солишдан бошлаб (ЭКИҲнинг 5 бараваридан 20 бараваригача – маъмурий жавобгарлик) озодликдан маҳрум қилишгача (10 йилгача муддатга – жиноий жавобгарлик) билан жазоланади.

Шунингдек энди пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш ҳам лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари бўлиб ҳисобланади.

**Мазкур Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 сентябрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**2010 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-260-сон Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Фуқаролик кодексига** киритилган Қўшимчаларга мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган бўлса, гаровга олувчи қуйидаги ҳолларда гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга, агар унинг талаби қондирилмаса, ундирувни гаров нарсасига қаратишга ҳақли. Белгиланишича, агар гаровга олувчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, гаров тугатилади, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно.

**«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга** *(2001 йил 29 августдаги 258-II-сон)* киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, суднинг жарима тариқасида жазо тайинлаш тўғрисидаги ҳукми асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши юритиш қўзғатилганда уни ихтиёрий равишда ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасида белгиланган муддатларда, яъни ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой ичида (18 ёшга тўлмасдан судланган шахслар учун, – 6 ойлик муддатда) амалга оширилади *(ихтиёрий равишда ижро этишнинг умумқабул қилинган муддати – ижро иши қўзғатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 кун).* Гаровга қўйилган мол-мулк хатлаб қўйилганда суд ижрочиси хатлаш амалга оширилганидан кейин уч кунлик муддат ичида бу ҳақда гаровга олувчига билдиришнома юборади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма мазкур мол-мулкка ундирув қаратилиши, унинг реализация қилиниши муносабати билан қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш учун зарур суммалар ушлаб қолинганидан ва кредиторларнинг гаров билан таъминланган ундирувга қаратилган талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу қонунда белгиланган тартибда тақсимланади.

**«Ипотека тўғрисида»ги Қонунга** *(2006 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-58-сон)* ҳам тегишли қўшимча киритилди.

**Мазкур Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 сентябрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ИНСТИТУТИ ТУГАТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 18 сентябрда 1521-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга *(рўйхат рақами 1521, 2005 йил 12 ноябрь)* ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

**2010 йил 28 сентябрдан кучга кирди.**

* * *

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 20 сентябрда 1584-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Нотариал идоралар томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа *(рўйхат рақами 1584, 2006 йил 19 июнь)* ўзгартиришлар киритилди.**

**2010 йил 30 сентябрдан кучга кирди.**

* * *

**Марказий банкнинг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 22 сентябрда 1948-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага *(рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель)* ўзгартиришлар киритилди.** Чунончи, жисмоний шахслар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк омонати шартномаси тузилади. Шунингдек банклар энди норезидент банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга эмаслар.

**2010 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

## СПОРТ МАКТАБЛАРИ КЎПАЯДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 211-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасидаги Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикасидаги Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом** *(2011 йил 1 январдан амал қилади)* тасдиқланди.

Белгиланишича, республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) тегишли моддий-техника базасига эга бўлган, спорт турлари бўйича юқори малакали тренерлар ва мутахассислар билан бутланган камида битта спорт мактаби мавжуд бўлиши керак.

**Спорт мактаблари тўғрисидаги низом** билан қуйидаги турдаги мактабларни ташкил қилиш назарда тутилган: болалар ва ўсмирлар спорт мактаби; олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби; олий спорт маҳорати мактаби. Спорт мактаби фаолиятини ташкил қилиш масалалари, унинг вазифалари ва функциялари, ўқув-машқ жараёнини ташкил қилиш ва бошқа масалалар тартибга солинган.

**Спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом** билан белгиланишича, спорт мактабларининг тренер-ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ўқув гуруҳлари билан ўтказиладиган ўқув-машқ ишлари соатлари миқдори учун, алоҳида мактабларда эса – Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғи асосида бир нафар ўқувчи-спортчи учун нормативлар бўйича амалга оширилади. Шунингдек спорт мактабларининг раҳбарлик қилаётган, тиббиёт ходимлари ва тренер-ўқитувчиларига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби ва шартлари ҳам белгиланган.

Ҳужжатда бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

## МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ УЧУН

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи** *(АВ томонидан 2010 йил 21 сентябрда 746-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига** *(рўйхат рақами 746, 1999 йил 14 июнь)* **ўзгартиришлар киритилди.** Уларга биноан, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчилари 15 ёшга *(олдин – 14 ёшга)* етганларида ота-оналарининг бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан уларнинг соғлиғига ва ўсиб ривожланишига зарар етказмайдиган ва ўқув жараёнини бузмайдиган енгил ишга, ўқишдан бўш вақтда ишлаш учун қабул қилинишлари мумкин.

Меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи ходимга нисбатан эндиликда ўртача ойлик иш ҳақининг кўпи билан 30 фоизи *(бундан олдин – 20%)* ҳажмида жарима, меҳнат интизомини мунтазам бузганлик ёки бир марталик қўпол бузишларни содир этганлик учун эса 50 фоизи *(бундан олдин – 40%)* ҳажмида жарима қўллашга ҳақли.

**2010 йил 1 октябрдан кучга кирди.**




## ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

**Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг қарори** *(АВ томонидан 2010 йил 21 сентябрда 2142-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** Ҳужжат билан белгиланишича, ижро йиғимининг қайтарилаётган суммасига фоизлар ҳисобланмайди. Ижро йиғимининг қайтарилиши Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб беш банк иш куни мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан, кейинчалик республика бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган ижро йиғими улушини Жамғармага қоплаб берилиши билан амалга оширилади.

**2010 йил 1 октябрдан кучга кирди.**

## БЮДни ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори** *(АВ томонидан 2010 йил 24 сентябрда 2143-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Илгари амал қилган тегишли Тартиб *(рўйхат рақами 890, 2000 йил 7 февраль)* ўз кучини йўқотган деб топилди.

Янги Низомда белгиланишича, БЮДга ўзгартириш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш масалалари бўйича мурожаат қилиш муддати БЮД божхонада дастлабки расмийлаштирилган кундан бошлаб 3 йилдан ошмаслиги лозим, божхона органлари томонидан БЮД графаларида божхона тўловлари билан боғлиқ бўлган хатоликлар аниқланганда эса, мазкур ҳаракатлар БЮДнинг биринчи нусхасини сақлаш муддати давомида амалга оширилиши мумкин. Ҳужжат билан шунингдек БЮДга ўзгартириш киритиш, қайта расмийлаштириш ёки бекор қилишда аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ҳам тасдиқланган.

**2010 йил 4 октябрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 18 сентябрдан 24 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 38-сони асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА
2-бет — Машинани ижарага олмоқчи эдик...
3-бет — Пластик карточка: саволлар тугагани йўқ
4-бет — Янги ходим билан қандай гаплашмоқ керак?
5-6-бетлар — Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1620,20 сўм € 1 = 2173,17 сўм £1 = 2550,36 сўм ¥10 = 192,33 сўм

Реклама

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ



Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# МАШИНАНИ ИЖАРАГА ОЛГАНДА

***Мен МЧЖ муассисиман. Жамиятимиз уставида аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш назарда тутилган. Бизда мазкур фаолият билан шуғулланиш хоҳиши ҳам бор. Бироқ ҳозирги вақтда жамиятнинг автотранспорт воситалари озлиги боис транспорт воситаларини бошқа жисмоний шахслардан ижарага олиш зарурати юзага келмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги саволларга жавоб ва тушунтиришлар олишни хоҳлардим.***

***1. Жамият фаолият юритиш мақсадида автотранспорт воситаларини жисмоний шахслардан шартномага асосан экипажи билан ёки экипажсиз ижарага олиш ҳуқуқига эгами?***

***2. Мазкур шартнома тузиш чоғида экипаж аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш мажбурияти кимга юкланади, уларни жамиятга ишга қабул қилиш шартми?***

***3. Жамиятнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилганда ижарага олинган транспорт воситасини лицензия варақаси билан таъминлаш шартми?***

***4. Лицензияланган ижарага олинган транспортдан умуман жамиятнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкинми?***

**Ҳурмат билан Г.Курганов.**

– **1.** Фуқаролик кодекси *(ФК)* 354-моддасининг биринчи қисмига кўра, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. ФКнинг 535-моддасида айтилишича, мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади. Бинобарин, **юридик шахс жисмоний шахс билан транспорт воситасини ижарага олиш шартномасини тузиши мумкин.**

**2.** Ҳар қандай шартнома тузилганда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. **Иш ҳақи меҳнат муносабатлари юзага келган тақдирда тўланади.** Бинобарин, экипаж билан ёки экипажсиз транспорт воситасига **ижара шартномасини** тузган ташкилотда жисмоний шахсга иш ҳақи тўлаш мажбурияти эмас, балки ижара ҳақини, шунингдек транспорт воситасидан тижорий фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятигина юзага келади. Ижарага олинган транспорт воситасини тутиб туриш, уни суғурталаш, шу жумладан ўз мажбуриятини суғурталаш, шунингдек ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни шартноманинг турига боғлиқ ҳолда ташкилот зиммасига олади ёки олмайди.

Қонун ҳужжатлари ташкилотга транспорт воситасидан ўз мақсадларида фойдаланилган тақдирда жисмоний шахс билан меҳнат шартномасини тузиш ёки тузмаслик йўлини танлаш ҳуқуқини беради. Бироқ жисмоний шахс йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташишга жалб этилган тақдирда **қонун транспорт воситасини бошқараётган шахс билан меҳнат шартномасини тузиш мажбуриятини қўяди.** Бу автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан келиб чиқади *(Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 9-бандининг «д» кичик банди, ВМнинг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 138-сон Низом).*

**3.** 138-сон Низомга мувофиқ **лицензиат фойдаланаётган ҳар бир автотранспорт воситаси** ва тегишинча у фойдаланаётган лицензияланаётган фаолият тури учун лицензия карточкаси мавжуд бўлиши керак. **Агар лицензиат ижарага олинган транспорт воситасидан фақат ўз мақсадларида фойдаланса,** лицензия карточкаси керак эмас.

**4.** Сиз лицензия карточкаси билан таъминланган, ижарага олинган транспорт воситасидан ўз эҳтиёжларингиз учун фойдалана оласиз, чунки қонун ҳужжатларида буни тақиқлайдиган нормалар мавжуд эмас.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

# ТУНГИ СМЕНА УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАРТ

***Фақат кечқурун ва тунги вақтда, яъни кечки соат 17 дан кейинги куннинг эрталабки соат 8 гача ишлайдиган қоровулларга қўшимча ҳақ тўланадими? Агар тўланса, у қандай ҳисоблаб ёзилади? Қоровулнинг маоши бугунги кунда 123 437 сўмни ташкил қилади.***

**Журавлёва.**

– Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Меҳнат кодекси *(МК)*нинг 122-моддасига мувофиқ агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Бунда, МКнинг 123-моддасига кўра, **сменанинг муддати 12 соатдан ошмаслиги керак.**

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Тунги вақтдаги бутун иш корхонада белгиланган бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади *(иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табелида рўйхатга олинади ёки тунги вақтда ишлаш тўғрисидаги рапорт (билдирги) асосида)* **ва тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади** *(МКнинг 158-моддаси).* Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Мазкур қоида барча ходимларга, шу жумладан қоровулларга ҳам қўлланади.

***МИСОЛ.*** *Ходимнинг маоши 123 437 сўмни ташкил қилади. Бир ой мобайнида ходим 12 соатдан 8 смена, яъни 96 соат ишлади, шундан 64 соати – тунги вақт режимида. Бир соат ставкаси 123 437 / 96 = 1 285,8 сўмни ташкил қилади. Тунги вақтда ишлаганлик учун ходимга ҳисоблаб ёзилган ҳақнинг энг кам миқдори 123 436,8 сўмни (64 х 1 285,8 х 1,5) ташкил этиши керак. Қолган вақт учун ҳақ миқдори 41 145,6 сўмни (32 х 1 285,8) ташкил этади. Ходимга жами 164 582,4 сўм ҳисоблаб ёзилиши керак, шундан 123 437 сўми мансаб маоши ва 41 145,4 сўми тунги вақтда ишлаганлик учун оширилган ҳақ.*

Меҳнат кодекси қўшимча ҳақнинг юқори чегарасини чекламаган ҳолда унинг фақат қуйи чегарасини белгилаган. Корхоналар ўзларининг локал ҳужжатларида, масалан, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги жамоа шартномаси ёки низомда тунги вақтда ишлаганлик учун қонун ҳужжатлари билан белгиланганидан ошадиган миқдорларда қўшимча ҳақни назарда тутишлари мумкин.

Кечки сменада ишлаганлик учун тўланадиган оширилган ҳақнинг миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади *(МКнинг 158-моддаси).* Яъни агар корхонангизнинг локал ҳужжатларида кечки вақт учун қўшимча ҳақ тўланиши назарда тутилган бўлса, сизнинг ҳолатингизда ходим уни олишга ҳақли бўлади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

# ЛЕЙБЛ ЭМАС, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АҲАМИЯТГА ЭГА

***Қуйидаги масала бўйича тушунтириш берсангиз. Фирмамиз газлама сотиб олади. Чет ташкилотга майкалар ва логотип наклейкаларини тикиш учун беради. Ташкилотимиз ўз кучи билан фақат ёрлиқлар тикади ва ўраб-жойлайди. Мазкур ҳолда биз ишлаб чиқарувчи ҳисобланамизми?***

**МЧЖ директори.**

– Амалдаги қонун ҳужжатлари «ишлаб чиқарувчи» («тайёрловчи») тушунчасининг кенг талқинини бермайди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун *(1996 йил 26 апрелдаги 221-I-сон)* 1-моддасининг учинчи хатбошисига кўра **ишлаб чиқарувчи – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган** корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор.

Баъзиларнинг фикрича, ўзини товар ишлаб чиқарувчи сифатида эълон этиб, товар устида ва (ёки) ўровда ёки товар билан бирга истеъмолчига бериладиган илова қилинувчи ҳужжатларда ўз номи (исми), савдо маркаси ёки ушбу шахсни идентификациялайдиган бошқа элементни жойлаштирадиган шахс товарларни ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Бироқ, бизнингча, бу таъриф унчалик тўғри эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларининг* моҳиятидан келиб чиқилганда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти деганда қуйидаги асосий талабларга риоя этган ҳолда **тўлалигича** ушбу корхонада **ишлаб чиқарилган** ёки қайта ишланган маҳсулотлар тушунилади:

амалдаги қонунларда белгиланган ҳолларда тегишли фаолият турини амалга ошириш учун махсус рухсатноманинг мавжудлиги;

ўзининг (шу жумладан, ижарага олинган) моддий ва (ёки) молиявий ресурслар шаклидаги асосий ва айланма фондлардан фойдаланилиши;

маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир асосий технологик жараёнларнинг ушбу корхонада доимий банд бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши.

Бинобарин, агар сиз ўз кучингиз билан фақат тайёр буюмларга ёрлиқлар тиксангиз ва уларни ўраб-жойласангиз, сиз ишлаб чиқарувчи тоифасига кирмайсиз.

***Артём АДЕЕВ,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

**Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни белгилаш қоидалари (ТИАА, МВ ва ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 8 апрелда 420-сон билан рўйхатдан ўтказилган)нинг 3-банди.*

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз — 1-бет
✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Машинани ижарага олганда
– Тунги смена учун қўшимча ҳақ тўлаш шарт
– Лейбл эмас, ишлаб чиқариш аҳамиятга эга
– Пластик карточкадан фойдаланиш қоидалари
– Валюталар курси — 2-3-бетлар
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Бир давр икки марта ҳисобга олинмайди
– Янги ходим – кони тилсим — 4-бет
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
– «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».
Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи; – ЎзР МВ, АВнинг «Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. — 5-6-бетлар
✓ top — 7-8-бетлар

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 29.09.2010 | 1 | 0,8027 | 1 | 1,0907 | 1 | 0,0264 |
| Арманистон | 29.09.2010 | 1 | 361,76 | 1 | 491,81 | 1 | 11,9 |
| Беларусь | 30.09.2010 | 1 | 3010 | 1 | 4099,62 | 1 | 99 |
| Грузия | 30.09.2010 | 1 | 1,8064 | 1 | 2,4585 | 1 | 5,9415 |
| Қозоғистон | 30.09.2010 | 1 | 147,47 | 1 | 200,38 | 1 | 4,85 |
| Қирғизистон | 30.09.2010 | 1 | 46,6377 | 1 | 62,7318 | 1 | 1,5151 |
| Латвия | 01.10.2010 | 1 | 0,517 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,017 |
| Литва | 30.09.2010 | 1 | 2,5361 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,3419 |
| Молдова | 30.09.2010 | 1 | 12,0159 | 1 | 16,3422 | 1 | 0,3955 |
| Тожикистон | 30.09.2010 | 1 | 4,3828 | 1 | 5,9129 | 10 | 1,4596 |
| Ўзбекистон | 28.09.2010 | 1 | 1620,2 | 1 | 2173,17 | 1 | 52,35 |
| Украина | 29.09.2010 | 100 | 791,35 | 100 | 1065,1571 | 10 | 2,586 |
| Эстония | 29.09.2010 | 1 | 11,5116 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,378659 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

***Пластик карточкалар масаласи газета саҳифаларида кўп маротаба кўтарилди. Бироқ у аввалгидек газетхонларнинг эътибор марказида, таҳририятга келаётган хатлар ана шундан далолат беради. Шу сабабли биз яна ушбу мавзуга мурожаат қилдик. Бунинг устига, нафақат пластик карточка соҳибларида, балки банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланган чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш объектларида ҳам юзага келадиган муаммоларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.***

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

***Сотувчилар тўлов терминалининг бузилганлиги ёки ундан фойдаланишни билмасликларини баҳона қилиб банк пластик карточкалари воситасидаги тўловларни қабул қилмасликка ҳақлимилар?***

– Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг[1] *(бундан кейин – 1986-сон Низом)* 11-бандига мувофиқ, сотувчи-ходимлар томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолати савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади. Тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, тўловлар қабул қилинмаслиги ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Пластик карточкалар билан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартибини бузганлик учун молиявий санкциялар **Солиқ кодекси** *(СК)*нинг 119-моддаси билан белгиланган.

| *Ҳуқуқбузарлик тури* | *СК моддаси* | *Жарималар* |
|---|---|---|
| **Тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик** | 119-модда, биринчи қисм | ЭКИҲнинг 30 бараваридан 50 баравригача |
| Худди шундай ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда | 119-модда, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг 75 бараваридан 100 бараваригача |
| **Пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик** | 119-модда, учинчи қисм | ЭКИҲнинг 100 баравари |
| Худди шу ҳуқуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда | 119-модда, тўртинчи қисм | ЭКИҲнинг 200 баравари |

Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахсга нисбатан молиявий жавобгарлик чораларини қўллаш билан бир қаторда жисмоний шахсларга нисбатан **маъмурий** ва **жиноий** жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин. Терминалларнинг мавжуд эмаслиги ва (ёки) улардан фойдаланмаслик учун санкциялар хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари ва мансабдор шахсларига нисбатан савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузиш сифатида қўлланилади.

| МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК | | | |
|---|---|---|---|
| *Ҳуқуқбузарлик тури* | *МЖТК моддаси* | *Жарима:* | |
| | | *фуқаролар учун* | *мансабдор шахслар учун* |
| **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш** | 164-модда, биринчи қисм | ЭКИҲнинг 1 бараваридан 5 бараваригача | ЭКИҲнинг 5 бараваридан 7 бараваригача |
| **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш** (ЭКИҲнинг 30 бараваридан 100 бараваригача) | 164-модда, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг 5 бараваридан 10 бараваригача | ЭКИҲнинг 7 бараваридан 15 бараваригача |

| ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК | | |
|---|---|---|
| *Жиноят* | *ЖКнинг моддаси* | *Жазо* |
| **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса** | 189-модда, биринчи қисм | ЭКИҲнинг 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш** *(100 ЭКИҲдан 300 ЭКИҲгача)*, **шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 188-моддаси** *(савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш)* **ёки 190-моддасида** *(фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш)* **назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлик** | 189-модда, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда** *(ЭКИҲнинг 300 баравари ва ундан кўп миқдорда)* **бузиш** | 189-модда, учинчи қисм | ЭКИҲнинг 300 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 6 ойгача қамоқ жазоси |

* * *

***Агар тўлов терминали бузилиб қолса, хўжалик юритувчи субъект нима қилиши зарур? Молиявий санкциялар ва маъмурий (жиноий) жавобгарлик қўлланишидан қандай қилиб қутулиш мумкин?***

– Тўлов терминалининг техник ёки дастурий носозлиги юзага келган тақдирда савдо ва хизматлар кўрсатиш объектнинг раҳбари бу ҳақда давлат солиқ хизмати органи ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкини **1 кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши** шарт*.




Савдо ва хизматлар кўрсатиш объектларининг раҳбарлари **10 кун мобайнида тўлов терминалларини соз ҳолатга келтириш чораларини кўришлари** керак.

Меъёрий ҳужжатда солиқ инспекцияси ва хизмат кўрсатувчи банкни ёзма хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида ўз белгисини қўйишга мажбур этадиган меъёр келтирилмаган. Бироқ тавсия сифатида раҳбарларга солиқ органи ва банкдан ёзма хабарнома олинганлиги тўғрисида белги қўйдириб олишни маслаҳат бермоқчимиз. Бу билан хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳаракатларни қилганлигини исботлай олади.

* * *

***Тўлов терминали билан жиҳозланган савдо ва хизматлар кўрсатиш ташкилоти банк пластик карточкалари воситасида ҳақи тўланадиган товарлар ёки хизматларни қўшимча устама билан сотишга ҳақлими?***

– **Йўқ, ҳақли эмас.** Бунга банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилиши сифатида қаралади *(1986-сон Низомнинг 12-банди)*. Товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчиси банк картаси тутувчисига нақд пулга хизмат кўрсатиш нархидан ошмайдиган нархларда хизмат кўрсатиши шарт *(Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низом[2] 40-бандининг иккинчи хатбошиси, бундан кейин – 1344-сон Низом)*.

Пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш чоғида нархларни асоссиз равишда ошириш Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари[3] 189-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари ва мансабдор шахсларига нисбатан** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 164-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка ва Жиноят кодексининг 189-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка – **савдо ва хизматларкўрсатиш қоидаларини бузганлик учун** – сабаб бўлади.

* * *

***Пластик карточка соҳиби – жисмоний шахс пул маблағларини тасарруф этиш бўйича ваколатларини бошқа шахсларга буни лозим даражада расмийлаштириб бериши мумкин. Масалан, эр ишончномани расмийлаштириб, унинг банк картасидаги пул маблағларидан фойдаланишга ўз хотинига ваколат бериши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор бўлган эр ёки ўғил ўзига тегишли якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериши мумкинми?***

– Йўқ, **якка тартибдаги тадбиркор** Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом[4] *(бундан кейин – 1850-сон Низом)* 1-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ **банк картаси соҳибининг ваколатларини бошқа шахсга бера олмайди.**

* * *

***Якка тартибдаги тадбиркор коммунал хизматлар ҳақини ўзининг банк картасидан тўлай оладими?***

– Агар якка тартибдаги тадбиркор, масалан, газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланувчи юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс сифатида ҳақ тўласа, тўлай олади, чунки **якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлари учун тўловларни амалга оширишига йўл қўйилади.** 1850-сон Низомнинг 6-бандига мувофиқ, уларга қуйидаги харажатлар киради:

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш материаллари), ярим фабрикатлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) нотурар жой фондига ўтказилган хоналар учун коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқава, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун.

Агар якка тартибдаги тадбиркор унга аҳолига берилаётганидек коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш ниятида бўлса, у мазкур тўловларни якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан тўлашга ҳақли эмас.

* * *

***Пластик карточкадан фойдаланишга доир шартномаларда ҳамма банклар карточка ўғирланганлиги ёки йўқолганлиги тўғрисида банк соҳиби мурожаат этганидан кейин, масалан, «24 соатдан кейин» ёки «72 соатдан кейин» карточка блокировка қилинадиган муддатни қайд этишади. Шу тариқа, унинг соҳиби банкни карточка йўқолганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилганлигига қарамай, юқорида кўрсатилган муддат мобайнида карточкадан пул маблағларини ечиб олиш операциялари давом этиши мумкин, банк бунинг учун ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайди. Шартномадаги мазкур шарт қанчалик қонуний?***

– Қонун ҳужжатларида муддатлар тўғридан-тўғри назарда тутилмаган, бироқ 1344-сон Низомнинг 33-бандида назарда тутилишича, эмитент (банк) **банк картаси соҳибининг уни йўқотганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисидаги аризаси қабул қилинганидан кейин** йўқолган ёхуд ўғирланган банк картасидан фойдаланиладиган барча операциялар бўйича **тўлиқ жавобгар** бўлади. Бинобарин, банк шартномавий тартибда юқорида келтирилган шартни ўзгартиришга ҳақли эмас ва карточка соҳибининг аризаси қабул қилинганидан кейин жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

*[1]МБ бошқаруви ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*[2]МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*[3]ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[4]МБ бошқарувининг АВ томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

****Мазкур билдирувноманинг намунасини «Корхона юристи» эксперт маълумотнома тизимидан топиш мумкин.***

*****Санкцияларнинг миқдорлари www.norma.uz сайтида жойлаштирилган материалнинг тўлиқ версиясида келтирилган.***

Реклама

NORMA

Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# БИР ДАВР ИККИ МАРТА ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИ



***Меҳнат дафтарчаларини тўлдириш бўйича қўшимча тушунтириш берсангиз. Мен 2010 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетни битирганман. Кундузи контракт асосида таълим олдим. Олий ўқув юртига киргунга қадар ишлаганман, менга меҳнат дафтарчаси очилган. Ўқишга кирганимдан кейин ўша ташкилотда ишлашни давом эттирдим. Ҳозир, университетни битирганимдан сўнг ишлашни давом эттираётганимни ҳисобга олиб, маълумотим тўғрисида меҳнат дафтарчасига ёзув кирита оламанми?***

**Д.Юсупова.**

– Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома *(бундан кейин – Йўриқнома)* билан белгиланган. Сиз олий ўқув юртига, Йўриқноманинг 2.14-бандини асос қилиб, мазкур олий ўқув юртида ўқиш даври тўғрисида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этиш илтимоси билан мурожаат қилишингиз мумкин, зеро унга биноан, меҳнат дафтарчаси бор бўлган талабаларга ўқув юрти томонидан олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқиган вақтлари тўғрисида ёзув киритилади. Бундай ёзувларга асос бўлиб талабалар сафига қабул қилинганлиги ёки сафидан чиқариш тўғрисидаги ўқув юртининг чиқарган буйруқлари ҳисобланади. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, Йўриқномада олий ўқув юрти томонидан шахсларга таълим олганидан кейин бундай ёзув киритилиши мажбурияти белгиланмаган. Иш берувчи эса олий ўқув юртидаги ўқиш вақти тўғрисидаги ёзувни меҳнат дафтарчасига фақат мазкур корхонада ишлаш тўғрисида маълумотлар киритилишига қадар қайд эта олади *(2.17-банд)*, яъни сизнинг ҳолатингизда иш берувчи энди уни кирита олмайди. Шу тариқа, сиз фақат олий ўқув юртига мурожаат қила оласиз, у бундай ёзувни киритишга ҳақли (бу билан Йўриқнома талаблари бузилмайди, чунки унда тақиқловчи норма мавжуд эмас), бироқ у собиқ талабалар учун бундай қилишга мажбур ҳам эмас (чунки бундай мажбурият қайд этилмаган).

Сизнинг ҳолатингизда олий ўқув юртида таълим олганингиз тўғрисидаги ёзувни меҳнат дафтарчасига киритиш мақсадга мувофиқ эмаслигини қайд этиб ўтмоқчиман. Бундай ёзувнинг бўлиши умумий меҳнат стажига таъсир этмайди, чунки бутун ўқиш даврингиз корхонангиздаги меҳнат стажига кириб бўлган. Биргина давр учун меҳнат стажи қўшилмайди, яъни олий ўқув юртидаги 4 йиллик ўқиш ва ташкилотда шу йилларда ишлаган даврингиз 8 йиллик меҳнат стажи сифатида ҳисобга олинмайди. Ўқиш тўғрисида меҳнат дафтарчасидаги ёзув талаба ушбу даврда ишламаган бўлса фойдали бўлиши мумкин. Бироқ ҳатто ушбу ҳолда ҳам меҳнат дафтарчасида ўқиш тўғрисидаги ёзувнинг бўлмаслиги фуқаро пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ушбу давр ҳисобга олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, чунки олий ўқув юртида ўқиган даврни тасдиқлаш учун дипломни тақдим этиш кифоядир[1].

***P.S.*** *«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон) 37-моддаси биринчи қисмининг «е» банди ва иккинчи қисмига мувофиқ, олий ўқув юртида кундузги ўқиш пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга киритилиши учун, ушбу даврга қўшимча равишда, ходим давлат ижтимоий суғуртасига тортилган ёки башарти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган бўлса, бошқа хил фаолиятни юритган (якка тартибдаги тадбиркорлик, фермер хўжалигини юритиш ва бошқа) камида 5 йиллик умумий иш стажига эга бўлиши лозим.*

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

*[1]Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди (ВМнинг 1994 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 249-сон қарорининг 12-иловаси).*

---

Шахсий тажриба

# ЯНГИ ХОДИМ – КОНИ ТИЛСИМ

***Халқаро аудиторлик компанияларига оид статистика маълумотларига қараганда, бу соҳада 5-10 йил ишлаганидан кейин мутахассисларнинг атиги 35 фоизи аудит ишида қолмоқда. Мутахассислар нега тармоқдан бунчалик кўп кетиб қолмоқда деган саволга жавоб тариқасида айтиш мумкинки, ўша тадқиқотларга кўра аксарият аудиторларнинг соҳани ташлаб кетишига доимий ҳаловатсизлик, йил мобайнида зиммага тушадиган иш ва топшириқлар тенг тақсимланмаганлиги (аудиторлик фаолияти яққол кўзга ташланадиган мавсумийлик билан боғлиқ), ўз устида тинмай ишлаш, билим ва кўникмаларни ошириб бориш зарурлиги сабаб бўлмоқда.***

Аудитор деганда асаблари темирдан, ўта сабр-матонатли, ҳамиша билими ва камолотини ошириш пайида юрадиган профессионал мутахассис сиймоси гавдаланади. Бундай тайёр мутахассисни топиш анча мушкул. Айни шундай фазилатларга эга бўлганлар ё бошқа аудиторлик компанияларида муваффақиятли тарзда ишлаётган ёки бундай компанияларга раҳбарлик қилаётган бўлиб чиқади.

Юзага келган вазият муносабати билан бизнинг компания юқорида айтилган мезонларга жавоб берадиган мутахассисларни ўз кучи билан тайёрлаб чиқаришга қарор қилди. Аммо шу йўналишда изланар эканмиз, истеъдодли ходимни қандай топиш керак, унинг истиқболли эканлигини қай йўсинда билиш мумкин, пировард натижада уни ишда олиб қолиш учун нималар қилиш зарур деган қатор чигал масалалар кўндаланг бўлди.

Штатни тўлдиришдаги мураккаблик керакли номзодни излашнинг узоқ давом этадиган, сермашаққат жараёнида кўзга яққол ташланади. Бўш иш ўринлари ҳақида турфа хил сайтларга ахборот киритиш, энг яхши олий ўқув юртлари билан дуруст шогирдлар етказиб беришлари ҳақида музокаралар юритиш, юзлаб тавсифномаларни кўриб чиқиш ва шу асосда танлаш, ўнлаб суҳбатлар ўтказиш ва пировард натижада 30-40 талабгор орасидан биттагина яхши номзодни танлаш ҳазилакам ишми, ахир?! Кўринишидан қарчиғайдай шай, ўзига ишончи баланд, майин жилмайиши эътиборни тортадиган шунча номзод орасидан ҳақиқатда истиқболли ходимларни танлаб олиш ҳам аслида бир санъат.

Инсон захираси деб аталмиш улкан сарчашма билан боғлиқ барча ишлар орасида, менинг назаримда, ходимни танлаб олишдек мураккаб жараён бўлмаса керак. Икки варақ қоғоздаги тавсифнома, соатлаб қилинган мулоқот ва ички туйғу асосида номзоднинг корпоратив стандартларга мувофиқлиги ҳақида қарор чиқариш зарур. Қолаверса, ҳар сафар зўр бир истеъдодни қўлдан чиқармаётирмизми деган шубҳа-гумонга боради одам. Тўғри, рўпарангиздаги мутахассис компанияга тўғри келмаслиги дастлабки дақиқаларданоқ аён бўладиган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, келган номзод стулда ялпайиб, оёғини чалиштириб ўтирса, берилган саволларга танбалнамо, истар-истамас жавоб берса, кўнгилга ўтиришмаслиги турган гап. Бироқ аксарият ҳолларда кўзлари чақнаб турган, суҳбатга турли манбалар, шу жумладан Интернет ёрдамида аъло даражада тайёрланган, аудит соҳасида ёрқин юлдуз бўлиб етишишига ишончи қатъий номзодлар билан яккама-якка мулоқот қилишга тўғри келади. Ана шундай ҳолларда суҳбат ўтказишнинг биз томонимиздан ишлаб чиқилган икки босқичли тизими қўл келади.



Биринчи босқичда суҳбатлашувни кадрлар билан ишлаш бўлинмаси раҳбари катта аудиторлардан бири ҳамроҳлигида ўтказади. Бунда номзоднинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит борасидаги билими тест саволлари билан синаб кўрилади. Унинг хусусият ва фазилатларини, шахс сифатидаги кучли ва кучсиз томонларини, келгуси режаларига оид маълумотларни билиш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар берилади. Мантиқий вазифаларнинг ечимини топиш таклиф этилади. Буларнинг ҳаммаси унинг тафаккур юритиш тезлигини, ноанъанавий ечимлар топа билиш маҳоратини аниқлаб беради.

Суҳбатнинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган номзод шахсан бош директор ўтказадиган иккинки мусаҳабага таклиф этилади. Иккинчи суҳбатлашувда номзоднинг корпоратив стандартларга мувофиқлигини аниқлашга, унинг билим ва кўникмаларини айни бизнинг компаниямизда кенгайтириш имкониятларини билишга қаратилган махсус саволлар берилади.

Компаниямизда ходимларга тааллуқли корпоратив стандартлар анча юқори савияда. Улар профессионал билимлардан ташқари ходимларнинг кўпроқ шахсий хислат ва фазилатларига, хусусан ўз устида муттасил иш олиб бориш иштиёқига, пешқадамлик қилишга интилишига, янги, мураккаб вазифаларни ҳал этишга жуда ўч эканлигига қаратилган бўлади.

Икки-учта номзод танлаб олингач, «ишловдан ўтказиб яроқли ҳолатга келтириш»дек асосий жараён бошланади. Бизнинг компанияда мураббийлик тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган, бинобарин ҳар бир номзодга мураббий танланади. Стажёрларга (иш ўрганувчиларга) таълим бериш ва уларни камол топтиришдаги асосий сиймо мураббий бўлиб, одатда бу ишга компаниянинг катта аудиторларидан бири жалб этилади. Мураббий аудиторнинг бўлажак ассистенти таълим олиши ва камол топишининг профессионал режасини тузиш ва бу режанинг бажарилишини назорат қилиб боришдан ташқари, ўз шогирдига компанияга мойиллик ва меҳрни сингдиради, компаниянинг асосий мақсад ва вазифаларини ўзиникидек деб билишга ўргатади.

Ишончимиз комилки, мураббийлик юқори малакали мутахассислар етиштиришга, аудиторларнинг шахсий фазилатларини ўстиришга имкон бермоқда. Шу муносабат билан компанияда мураббийликни рағбатлантириш тизими мавжуд. Бинобарин стажировка даври тугалланиб, ассистент шахсий камолот режасини муваффақиятли бажарган ва натижалар яққол кўзга ташланиб турган тақдирда, мураббий мукофот олади, муваффақиятсизлик рўй берган тақдирда эса унга жарима солинади.

Бир стажёрни аудиторнинг катта ассистенти даражасида ўқитиш ва ўргатишга ўрта ҳисобда ярим йилдан бир йилгача вақт кетади. Ана шу муддат мобайнида мураббий билан ассистент доимий мулоқотда бўлади – биргаликда шуғулланиб, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва солиқ солиш соҳасида қизиқарли масалаларни муҳокама этадилар, баҳс-мунозара юритадилар. Мураббийнинг шогирд билан ўзаро яқин ва фаол ҳамкорлик қилиши, биринчидан, ходим барча зарур профессионал ва шахсий кўникмалар орттиришига, иккинчидан, унда ишга, қолаверса компанияга қизиқиш пайдо бўлишига олиб келади.

Компания ходимларини ўқитиш ва ўргатиш, уларни камол топтириш замирида шу ерда ўсиб-унмоқ ёки бу ердан кетмоқ керак деган муҳим бир принцип ётади. Бу принцип, агар ходим ўз устида ишламай қўйган бўлса, компания билан хайрлашавериши кераклигидан далолат беради. Зотан компания энг аввало одамларга таянади. Компаниянинг равнақ топиши ҳам барча ходимлар ўз устида ишлаши, камол топиши ҳисобидан таъмин этилади.

Профессионал кўникмаларни ривожлантириш ходимга янги даражадаги, янада масъулиятли ва машаққатли вазифа топшириш демакдир. Бу нарса ходимда компания ғоялари билан бир бутунлик туйғусини кучайтиради ҳамда унга умумий ютуққа ўз улушини қўшиш имкониятини беради. Демак, у ўзининг шу компанияга керак эканлигини ҳис этади.

Компания фаолиятидаги очиқ-ошкоралик, адолат асосида иш тутиш кадрларни тайёрлашнинг ҳақиқатда сифатли ва соз тизимини яратишдаги асосий омиллардир. Ҳар бир номзод компаниядаги ва уни келгусида ривожлантиришдаги ўрни ва ролини аниқ кўра билиши зарур.

Башарти ана шуларнинг ҳаммасини бажаришнинг уддасидан чиққан бўлсангиз, ҳам юқори малакали, ҳам садоқатли ҳамфикр ходимга эга бўлдим деб ҳисоблайверинг.

***Евгения СОН,***
***«ARHAT Audit» компаниясининг лойиҳа менежери.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

– «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $178^1$-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР МВ, АВнинг «Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИНИНГ 178-1-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган.***
*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 37-сон, 317-модда).*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, N 1, 14-модда; 2002 йил, N 9, 164-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 413-модда; 2006 йил, N 4, 154-модда, N 10, 536-модда; 2008 йил, N 4, 186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва ибoралардан фойдаланиш;

маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш;

иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шарти қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш;

маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш»;

2) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади»;

3) **23-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади»;

4) **29-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи – еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар – юридик шахслар ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги миқдорларда жаримага тортилиши мумкин:

нотўғри реклама берганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик учун – энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда;

**Ушбу қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 18 сентябрдаги 182 (5097)-сонида эълон қилинган.*

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда;

реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда.

Реклама берувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади.

Реклама тайёрловчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Реклама тарқатувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш тадбиркорлик субъектига ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ундириладиган суммани олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима тўлаш ваколатли давлат органининг қарори ёки кўрсатмасини бажариш ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни содир этиш мажбуриятидан озод қилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар, N 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 181, 189, 192-моддалар, N 9, 486, 488-моддалар, N 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 9, 334, 335, 337-моддалар, N 10, 380-модда, N 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, N 5, 175, 179-моддалар, N 6, 231-модда) **178[1]-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«178[1]-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2010 йил 17 сентябрь*
*ЎРҚ-259-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ*
*МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ*
*БУЙРУҒИ*

# ИДОРАВИЙ МАНСУБЛИГИ, МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТ ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБИНИНГ НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 746-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 38-сон, 335-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда) мувофиқ **буюраман:**

---

****2010 йил 1 октябрдан кучга киради.***

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири томонидан 1999 йил 7 майда 834-сон билан тасдиқланган Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига (рўйхат рақами 746, 1999 йил 14 июнь) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири***
***А.ХАИТОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2010 йил 2 сентябрь*
*163-Б-сон.*

*ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг*
*2010 йил 2 сентябрдаги 163-Б-сон буйруғига*
*ИЛОВА*

## ИДОРАВИЙ МАНСУБЛИГИ, МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР КОРХОНА, МУАССАСА, ТАШКИЛОТ ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБИНИНГ НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР*

1. 2.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.2. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан бошлаб рухсат берилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун ишга умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғи ва маънавий ривожланишига зарар етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган, ўқишдан бўш вақтда енгил меҳнатни бажариш учун – улар ўн беш ёшга етганда ота-оналаридан бири ёки ота-онанинг ўрнини босадиган шахслардан бирининг ёзма розилиги билан қабул қилишга рухсат берилади.

Ўн саккиз ёшга етмаган шахсларни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда амалга оширилади».

2. 2.3-банднинг 2.3.5-кичик бандида «14 ёшдан 16 ёшгача» сўзлари «ўн беш ёшга етган» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2.4-банднинг 2.4.2-кичик бандида «14 ёш» сўзлари «ўн беш ёш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 3.4-бандда «20» ва «40» рақамлари тегишинча «30» ва «40» рақамлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

***Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси***
***Д.ЖАҲОНГИРОВА.***

***Савдо-саноат палатаси раиси***
***А.ШАЙХОВ.***

*Тошкент ш., 2010 йил 30 август.*

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 21 сентябрда***
***2142-сон билан рўйхатга олинган.***
*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 38-сон, 336-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 451-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ижро йиғимини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*75-сон*

***Адлия вазири***
***Р.МУҲИТДИНОВ.***
*14-сон*

*Тошкент ш., 2010 йил 7 сентябрь.*

***2010 йил 1 октябрдан кучга киради.**

*ЎзР МВ ва Адлия вазирлигининг*
*2010 йил 7 сентябрдаги 75, 14-сон қарорига*
*ИЛОВА*

# ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 451-модда) мувофиқ суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжати бўйича ундирилган ижро йиғимини қонунчиликда белгиланган ҳолатларда қайтариш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом 2010 йил 1 апрелдан бошлаб суд ижрочилари томонидан ундирилган ижро йиғимини қайтаришда қўлланилади.

2. Ижро йиғимининг қайтарилаётган суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

## II. ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ

3. Ижро йиғимини қайтаришга мажбурий ижро ҳаракатини амалга оширган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппаратининг (бундан кейинги ўринларда Суд департаменти деб юритилади) ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарори асос бўлиб ҳисобланади.

4. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 451-модда) билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандига мувофиқ ижро йиғимини қайтаришга асос;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (бундан кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қопланадиган улушини алоҳида кўрсатган ҳолда, қайтарилиши лозим бўлган жами маблағлар суммаси;

ижро йиғимини тўлаган ва ушбу кўрсатилган маблағлар қайтарилаётган шахснинг банк реквизитлари.

5. Ундирилган ижро йиғими суммаларини Ўзбекистон Республикасининг тегишли тижорат банкида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ва мазкур ҳисоб рақамдан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ва Жамғармага ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар нусхаларини илова қилган ҳолда, ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор уни қабул қилган кундан бошлаб икки кун муддатдан кечиктирилмаган ҳолда ижро йиғимини уни тўлаган шахсга қайтариш учун Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига юборилади.

6. Ижро йиғимининг қайтарилиши Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб беш банк иш куни мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган ижро йиғими улушини Жамғармага қоплаб берилиши билан амалга оширилади.

Ижро йиғимининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қайтарилиши лозим бўлган тегишли улушини Жамғарманинг ҳисоб рақамига қоплаб бериш учун, Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси жами қайтарилиши лозим бўлган ижро йиғими суммасини қайтаргандан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширган Суд департаментининг ҳудудий бўлинмалари жойлашган жойдаги тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органига (бундан кейинги ўринларда давлат солиқ хизмати органи деб юритилади) ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор нусхасига Жамғарманинг банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотларни ва қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли тижорат банкида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ундирилган ва мазкур ҳисоб рақамдан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ижро йиғимини ўтказилганлиги;

ижро йиғимини тўлаган шахсга ундирилган маблағнинг қайтарилганлиги фактини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда юборади.

7. Давлат солиқ хизмати органи Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясидан ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор нусхасини иловалари билан олган кундан бошлаб беш банк иш куни мобайнида тегишли молия органига ундирилган ижро йиғимининг тегишли улуши Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига келиб тушганлигини тасдиқловчи хулосани, келиб тушиши, ҳақиқатда келиб тушган ва қайтарилиши лозим бўлган маблағларни кўрсатган ҳолда ва Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясидан олинган ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда юборади, бунда хулосанинг нусхаси Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Агарда ундирилган ижро йиғимининг тегишли улуши Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ҳақиқатда келиб тушганлиги тасдиқланмаган ҳолатда, давлат солиқ хизмати органининг тегишли хулосаси Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига юборилади.

8. Тегишли молия органи давлат солиқ хизмати органининг ундирилган ижро йиғими улушининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадига ҳақиқатда тушганлигини тасдиқловчи хулосасига асосан, хулоса олингандан сўнг икки банк иш кунидан кечикмаган ҳолда ўрнатилган тартибда тегишли маблағларни Жамғарманинг ҳисоб рақамига қоплаб беради.

Маблағларни қоплаб бериш, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар амалга оширилгунга қадар даромадларнинг тегишли турлари бўйича тегишли шартли ҳисоб рақамлар (ШҲР) билан 23402-сон баланс ҳисобварағидан бюджетга жорий ҳар кунлик тушумлар ҳисобидан амалга оширилади.

## III. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

10. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ қўмитаси раиси*
***Б.ПАРПИЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2010 йил 7 сентябрь.*

